Мустақиллик мевалари

УМРИ БОҚИЙ ИМОРАТЛАР

Ер ости ва ер усти бойликлари бисёр бўлган, иқтисодий салоҳияти билан мамлакатда етакчи ўринни эгаллаган Қашқадарё улкан қурилиш майдонига айланган.

Воҳада йирик саноат корхоналари – Кўкдумалоқ ва Шўртан газ компрессор станциялари, ёнилғи энергетикаси мажмуаларида янги қувватлар ишга туширилди.

Марказий Осиёда энг йирик «Шўртангазкимё» мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг 57 километри битказилди. «Оқсарой-тўқимачи», «Яккабоғтекс» каби енгил саноат корхоналари барпо этилди.

Нуристонда Талимаржон ГРЭСининг 800 минг киловатт соат энергия берадиган биринчи блокини фойдаланишга топширишга тайёргарлик кўрилаяпти.

Болалар спортини ривожлантириш дастури муваффақиятли амалга оширилаяпти. Вилоят марказида 40 гектарлик майдонни эгаллаган, тендер қиймати 8 миллиард 103 миллион сўмни ташкил қиладиган 600 ўринли Олимпия заҳиралари коллежи қад кўтармоқда. Жорий йилда зарбдор иншоотда 2,5 миллиард сўмлик қурилиш-ускуналаш ишлари бажарилади. Қамашининг Чим, Ғузорнинг Чаноқ, Китобнинг Сариосиё қишлоқларида янги, замонавий болалар спорт мажмуалари иш бошлади.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Қарши ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Шаҳардаги вилоят кутубхонаси тубдан қайта таъмирланиб, энг сўнгги нусхадаги компьютерлар ўрнатилди.

«Журналистлар уйи» қайта қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бугунги кунда у жаҳон талабларига тўлиқ мослашган ижод масканига айланди. Қадимий об-ҳаёт маскани Бешкент ариғининг асл ўзани тикланиб, 1,8 километрлик суғориш иншооти қурилди. Янги ариқдан об-ҳаёт оқиб, теварак-атроф об-ҳавосини мўътадиллаштирмоқда.

300 ўринли банк коллежи, Қарши саноат коллежи учун 100 талабага мўлжалланган ўқув биноси, Отчопар маҳалласида 160 ўринли мактаб, «Samsung» савдо маркази, 200 ўринли чойхона ва 32 та маиший хизмат шохобчалари қад ростлади.

Шаҳарда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Ўзбекистон, Мустақиллик, Маҳтумқули кўчалари, Алишер навоий номли маданият ва истироҳат боғи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Йўллар атрофига анвойи гуллар ўтқазилди.

Хиёбон майдонида безакли ғиштлар терилиб, бежирим фаввора қурилди. Болалар истироҳат боғи ёнида шаффоф сувлари мавжланиб турадиган кўл бунёд этилаяпти. Дам олиш мажмуаси қурилишига 27 миллион сўмлик маблағ ажратилган.

1991 йилгача қурилган 74 та кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 745 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Меҳрибонлик уйини қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Иншоотда 35 миллион сўмлик иш бажарилиб, жажжилар маскани ўзгача чирой очди. 38 километр ўрнига 45 километр йўл асфальт қилиниб, 25 миллион сўмлик иш бажарилди.

Шаҳарда қурилиш-ободонлаштириш юмушларини «Юрт фаровонлиги», «Дўстобод», «Бахтинор», «Нур», «Жасур», «Жамшид» масъулияти чекланган жамиятлари, «Адҳам» хусусий фирмаси, Саноат-қурилиш компанияси, «Кўкаламзорлаштириш» хусусий корхонаси жамоалари олиб боришаяпти. Коммунал фойдаланиш очиқ турдаги акционерлик жамияти боғбонлари кучи билан 25 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар, 200 минг туп ҳар хил гул ниҳоллари экилди. Кўчаларга оқар сув келтирилди. Шаҳар кўркамлик ва зеболик кашф этиб, гуллар гўшасига айланди.

Вилоятнинг барча туманлари, шаҳар, қишлоқлари ва маҳаллаларида бунёдкорлик руҳи ҳукмрон. 22 та қишлоққа тоза ичимлик суви, 27 та қишлоққа эса табиий газ келтирилди. 10 та қишлоқ врачлик пункти, 20 та мактаб, 20 та замонавий академик-лицей ва касб-ҳунар коллежи, 2 та маҳалла гузари, кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, ишга туширилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 250 га яқин катта-кичик ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. Косоннинг Мўғжагул маҳалласида Толиб Эркулов бошлиқ «Бунёдкор» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобидан 90 миллион сўм маблағ сарфланиб, фуқаролик ҳолатлари далолатномасини қайд қилиш бўлими – «Бахт уйи» қад кўтарди. Саховатпеша инсонлар томонидан бунёд этилган муҳташам кошонада келин-куёвлар никоҳдан ўтишаяпти.

Бу йил капитал қурилиш соҳасида барча молиялаштирилган манбаалар ҳисобидан 300 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган.

У.НАБИЕВ, қурувчи



Тайлоқ туманида 2921 гектар майдонда узум етиштирилмоқда. Винобоп ва хўраки ҳамда серҳосил, тезпишар ва бозорбоп навлар Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидан келтирилиб, юзлаб гектар майдонда кўпайтирилмоқда.

- Икки йил олдин туман ҳокимлиги қарори билан Амир Темур номли, «Боғизоғон» ва «Жумабозор» ширкат хўжаликларидаги 342 гектар майдондаги токзор корхонамизга 40 йил муддатга фойдаланишга берилди, - дейди «Боғизоғон» ОТАЖ раҳбари Ботир Қозимов. - Натижа ёмон бўлмади. Токзорларимиздан бугунги кунга келиб гектаридан 200 центнер ва ундан ошириб ҳосил олмоқдамиз.

Суратларда: бош ҳосилот Амон Самадов; Ораста Сафтарова узум йиғишда илғорлардан.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

ЖАМҒАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН

Андижон вилояти от спорти бўйича болалар ва ўсмирлар мактаби қайта таъмирлангандан кейин бутунлай янгича қиёфа касб этди. Ушбу мақсадлар учун 60 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Айтиш керакки, мактаб вилоят ва туман ҳокимликлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий бўлими ташаббуси билан таъмирдан чиқарилди. Қурилишни тадбиркорлар ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Спорт майдони, маъмурий-маиший корпус ва ўттиздан зиёд зотдор тулпорлар сақланадиган отхона тубдан таъмирланди. Барча зарур ускуналар Андижон мебел комбинати усталари томонидан тайёрланди.

Айни пайтда олимпия заҳирлари спорт мактабида беш кураш бўйича мусобақаларга ҳозирлик кўрилмоқда.

"Туркистон-пресс"

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

Ўтган йил якунлари таҳлил қилинганда Пастдарғом туман почта шуъбасида ишлар аҳволи ёмонлиги, кўрсатилаётган хизмат даражасидан аҳоли норозилигини шунингдек, ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш эътибордан четда қолаётганлиги айтилганди. Бундай вазиятнинг вужудга келишида нафақат раҳбарларнинг, балки касаба уюшма ташкилотларининг ҳам, жамоанинг ҳам айбдорлиги қайд этилганди.

АЛОҚАЧИЛАР МАНФААТДОРЛИГИ

Туман алоқачилар жамоаси бундан тегишли хулоса чиқарди. Тез орада ишда тартиб ўрнатилди, ходимларнинг хизмат бурчини бажариш масъулияти оширилди. Пировардида хизмат савияси яхшиланди. Бировга яхшилик қилсанг, бундан ўзингга кўпроқ наф етади деганлари рост. Иш тўғри йўлга қўйилиши натижасида туман почта шуъбасининг даромадлари анча ошди. Бу маблағнинг каттагина қисми ходимларнинг иш шароитларини яхшилашга сарфланади. Олис қишлоқлардаги почта-алоқа бўлимларининг бинолари тўлиқ таъмирланди. Атрофлари ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар ўтқазилди.

– Энг муҳими, биз касаба уюшма ташкилоти билан маслаҳатлашиб, ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш йўлидан бордик, – дейди туман почта шуъбаси бошлиғи И.Зиёдуллаев. – Натижада ишга қизиқиш ошди, масъулият кучайди. Шу туфайли ноқонуний ҳаракатларга, хизматдаги ғирромликларга чек қўйилди.

Пастдарғомлик алоқачилар жамоаси атиги олти ойда катта ўзгаришларга эришгани ҳақидаги гап муболаға эмас. Ярим йиллик якунлари бўйича жамоа шартномасининг бажарилишига бағишланган вилоят тармоқ семинар-кенгаши Пастдарғом туманида ўтказилгани бежиз эмас. Бундан олдин тажрибали мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тумандаги ишлар аҳволини атрофлича ўрганди. Аҳвол тубдан яхшиланганги якдиллик билан эътироф этилди. Ҳатто тумандаги «Гўзалкент», «Зарбдор», «Зангибой», «Санчиқул» почта-алоқа бўлимлари иш тажрибаси намуна сифатида кўрсатилди.

Р.ҚУРБОНОВ

Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, маданий ва маънавий ишларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ибратли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ишловчи аёллар манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси кошида хотин-қизлар комиссияси ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётгани айни муддао бўлди.

АЁЛЛАР СЕМИНАРИ

Касаба уюшма қошидаги хотин-қизлар комиссияси фаолиятини назардан ўтказди

Мазкур комиссия мана бир неча йилдирки, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёллар муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этишда кўмаклашиш, кўпроқ ишчилар орасида бўлиб, улар дилидаги таклиф-мулоҳазаларни иш берувчига етказиб, ишловчи аёллар учун шарт-шароитларни янада яхшилашда муҳим рол ўйнамоқда. Комиссия жамоа шартномаларидаги аёллар манфаатлари ҳимоясида муҳим аҳамият касб этувчи тадбирлар орқали хотин-қизларнинг ҳар томонлама ҳимоясига эътибор қаратиб келмоқда. Аҳамиятли томони шундаки хотин-қизлар комиссияси жойларда ҳар бир корхона ва ташкилотдаги касаба уюшма қўмиталари ҳамда цех қўмиталари қошида ҳам тузилган бўлиб, уларнинг доимий ҳаракатда, ўзаро фикр алмашишда бўлишлари учун тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасида режага биноан аёллар семинарларини ташкил этиш анъанага айланган. Бундай семинарлар халқаро миқёсда ҳам ташкил этилмоқда.

Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг навбатдаги аёллар семинарида Республика Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини жойларда ҳар бир инсонга тўлалигича тушунтириш, онгига сингдириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, семинарда Марказий қўмита қошидаги хотин-қизлар комиссиясининг Меҳр ва мурувват йилидаги фаолият йўналишлари ҳамда вазифаларининг бориши муҳокама этилди.

- Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар ҳаракатини такомиллаштириш ва самарадорлигини, уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган жуда катта эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир, - дейди Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси қошидаги хотин-қизлар комиссияси раиси Мавжуда Халилова. - Тармоқ касаба уюшма вилоят қўмиталари ва вакилликлари ҳамда тармоқ Марказий қўмитаси қошидаги хотин-қизлар комиссиялари ҳам Фармонда белгиланган вазифаларни тарғибот-ташвиқот қилиш, аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бунданда фаол иштирок этишларига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида бор имкониятларини ишга солмоқда. Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ давлатимиз томонидан аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси масаласига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Юқоридаги Фармон бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштириб юборди.

Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда уларнинг билим доираси, умуммаданий савияси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис касаба уюшма аъзолари ва фаолларини ўқитиб бориш борасида ҳам аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Ўқув жараёни эса халқаро талаблар асосида, замонавий усулда, ўқув семинарлари шаклида олиб борилади. Бунда улар эркин фикрлаш ва кенг оммага етказа олиш, янги ташаббусларни илгари суриш, турли вазиятларда тўғри қарор қабул қила билиш каби кўникмаларни ўзлаштирадилар.

Дарҳақиқат, юқори савияда ташкил этилган ўқув семинарлари хотин-қизларни кенг қамровли ахборот билан таъминлайди ва ўзаро фикр, тажриба алмашуви орқали нутқ, фикрлаш, масаланинг ечимини топиш, ташаббусларни илгари суриш маданиятини такомиллаштиради.

Семинарда, шунингдек, меҳнаткаш аёлларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини оммавий спортга кенг жалб этиш, соғломлаштириш, маданий-маънавий савияларини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар, корхона ва ташкилотларда техника хавфсизлиги, аёллар меҳнат шароитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, ишловчи аёлларга жамоа шартномалари орқали яратилаётган қўшимча имтиёз ва кафолатлар масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда тармоққа қарашли барча корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма қўмиталари раислари, касаба уюшмалари қошидаги хотин-қизлар комиссияси раислари ва касаба уюшма фаоллари қатнашдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби

ШИФОХОНАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Нефтчилар шаҳри Коровулбозорда туман марказий шифохонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шифохона бош шифокори М.Қурбоновнинг "Туркистон-пресс" мухбирига айтишича, шифо масканини бунёд этишда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бош пудратчи бўлди. Қурилиш ишларини амалга ошириш ва шифохонани янги ускуналар билан жиҳозлашга қарийб 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Янги бинога жарроҳлик ва туғруқхона бўлимлари ҳамда шошилинч тиббий ёрдам хизмати кўчиб ўтди.

Ижтимоий ҳимоя

ОҚИБАТ КУНДА КЕРАК

Меҳр - мурувват кўрсатиш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Зеро, савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Ана шу улуғвор даъватга жавобан кексаларга ҳурмат - эҳтиром, муҳтожларга меҳр - мурувват кўрсатишдек кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, Зангиота туманида «Меҳр ва мурувват йили» давлат Дастури асосида кўмакка муҳтож кишиларга яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Бугунги кунда туман ижтимоий таъминот бўлимида жами пенсия ва нафақа олувчилар сони 15839 нафар бўлиб, шундан 3368 нафари ногиронлик, 1058 нафари эса боқувчисини йўқотганлик нафақасини олишаётир. Алоқа бўлими томонидан 14039 нафар кексага пенсия ўз вақтида тарқатилиб келинмоқда.

- Меҳр-мурувват кунда керак, - дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири И. Холмуратов. -Ҳудудимизда умргузаронлик қилувчи қариялларга доимий эътиборни йўлга қўйганмиз. Бўлимимиз томонидан 24 нафар боқувчисини йўқотган, якка - ёлғиз кексалар алоҳида ҳимоямизга олинган бўлиб, уларга ҳар ойда 9 турдаги озиқ - овқат маҳсулотлари берилмоқда. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги Фармонига асосан махсус хизматчи ходимлар бириктирилган. 4 нафар ходим отахон ва онахонларнинг иссиқ-совуғидан мунтазам равишда хабар олиб туришади.

Дарҳақиқат, туманда пиру бадавлатларимиз бўлмиш қарияларга бўлган эътибор диққатга лойиқ. Эътиборлиси шундаки, тумандаги якка - ёлғиз пенсионерлар ва кам таъминланган оилаларга саховатпеша ҳомийларимиз томонидан кийим - кечаклар тарқатилди. Бундан ташқари, туманда фаолият кўрсатувчи «Маҳалла» жамғармаси фондидан байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиб турилади. Шунингдек, қарияларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш борасида ҳам ғамхўрлик кўрсатилаётир. Масалан, жорий йилнинг 8 ойи давомида юртимиздаги энг баҳаво сиҳатгоҳлардан «Товоқсой», «Олтиариқ», «Косонсой»да 39 нафар кекса соғлиқларини тиклаб қайтдилар. Улар ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган беминнат ғамхўрликдан миннатдор бўлишаётир.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН - ИСЛОМ ХУСУСИЙ ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОРПОРАЦИЯСИ АЪЗОСИ

(Боши 1-бетда)

ИРК хусусий тармоққа инвестициялар учун фондларни сафарбар қилиш, давлат ва хусусий тармоққа маслаҳат хизмати кўрсатиш йўли билан компанияларни хусусийлаштириш ва реструктуризация қилиш дастурларида қатнашади, ислом сармоя бозорини ривожлантиришга кўмаклашади.

ИРК тўғридан-тўғри молиялаш, активларни бошқариш, тузилмавий молиялаш, маслаҳат бериш каби хизматлар кўрсатади. Молиялаш услублари капитал ва даромадда шерик бўлиш, лизинг операциялари, қисман сотиш кабиларни ўз ичига олади.

Қуйидагилар мақбул лойиҳалар ҳисобланади: «Greenfield» - иқтисодиёт ривожига таъсир кўрсатадиган янги компаниялар ва дастурларни молиялаш, мавжуд лойиҳаларни кенгайтириш учун молиялаш ёки инвестиция киритиш, реструктуризация ва реабилитация қилиш, хусусийлаштириш операциялари - давлат улушини акциялар умумий қийматининг 49 фоизидан оширмаслик.

2003-2004 йилларда ИРК умумий қиймати 57 миллион АҚШ долларига тенг 11 лойиҳани молиялашни маъқуллади. ИРК лойиҳалари агробизнес, нефт ва газ, фармацевтика, телекоммуникация ва молия каби тармоқларга тақсимланган. ИРК ташкил этилганидан буён умумий қиймати 193,6 миллион АҚШ долларига тенг 32 лойиҳани маъқуллаган.

(ЎзА)

КАРДИОЖАРРОҲЛИК МАРКАЗИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида болалар кардиожарроҳлик маркази иш бошлади. Бу юртимизда болаларда учрайдиган юрак хасталикларини даволашга ихтисослашган учинчи шундай шифо масканидир.

Марказни ишга тушириш ва жиҳозлаш учун бир миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сарфланди. Бу ишларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЮСАИД, Вестерн юнион ва Керелифт Интернешнл халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширди.

Эндиликда бу ерда замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйиш, туғма юрак хасталигига чалинган болаларнинг ҳаётини асраб қолиш имкони яратилди.

- Марказда фаолият кўрсатаётган кардиохирурги гарингизнинг маҳорат ва тажрибаси таҳсинга сазовор,- деди Керелифт Интернешнл халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Джеффри Глосс.

(ЎзА)

ФАРҒОНАЛИКЛАР ЗАФАРИ

Қўқон шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтган мусобақада Андижон, Наманган, Фарғона ва Қўқон шаҳарларидан 18 ёшгача бўлган 130 дан ортиқ спортчи иштирок этди.

Фарғоналик Шаҳноза Шерматова кўшкураш баҳсида қизлар ўртасида ғолиб чиқди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда андижонлик Ёдгор Шарипов, қўқонлик Акром ва Икром Фозиловнинг қўли баланд келди.

Умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти оғир атлетикачилари биринчи ўринни олди.

Бозор инфратузилмаларида

НОЗИР МАҲАЛЛА КЕЗАДИ

Хуфёна иқтисодиётга карши курашиш, накд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини олдини олиш ва сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйишда солиқ ходимларининг хизмати катта.

Участка солиқ нозири Ҳасан Диёровни Қарлиқ фуқаролар йиғинига қарашли «Сардоба» маҳалласида учратдик. У маҳалла қўмитаси раиси Гулсара Тўраева билан маҳаллий тўловларнинг тушуми хусусида маслаҳатлашиб турган экан.

Ҳ. Диёров тажрибали нозирлардан. Тизимда ишлаётганига 15 йилдан ошди. Фуқаролар билан дилдан суҳбатлашади. Унга давлатимизнинг солиқ сиёсати, унинг турлари ва тўлаш тартиби ҳақида тортинмай савол беришади. Нозир барча саволларга эринмасдан пухта, аниқ жавоб қайтаради.

- Ҳудудимизда 2592 нафар солиқ тўловчи бор, - дейди у суҳбат жараёнида. - Шундан 35 нафари якка тадбиркорлар ҳисобланади.

Сиртдан қараганда солиқчининг иши осонга ўхшайди. Аслида бундай эмас. Ҳозирги пайтда намунали солиқ тўловчи ҳисобланадиган Садир Даминов, Ҳурмат Аҳмедова, Усмон Раҳмонов каби хусусий тадбиркорларни вақтида солиқ тўлашга ўргатиш анча қийин кечди. Ун тегирмони қурган Чори Авазов ва Итолмас Дониевларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун анча мунозара олиб боришга тўғри келди. Эндиликда ишлар тартибга тушди. Ҳудуддан 8 миллион сўмлик ер, 4 миллион 823 минг сўм мол-мулк солиғи ундирилди.

Бундан ташқари, 170 та деҳқон-фермер хўжаликларида давлат бюджетига тўловларни вақтида амалга оширишга эришилмоқда. Бу соҳада «Ихлос», «Эрка бобо», «Камола», «Йўлдош бобо» фермер хўжаликларида мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатилган.

«Сариқ» қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича инспектор Панжи Ҳайитов ана шундайлар-дан ҳисобланади. У хизмат қилаётган ҳудудда 1356 нафар солиқ тўловчи бор. Улардан 351 нафари имтиёзлилар рўйхатига киритилган. Нозирнинг астойдил ҳаракати туфайли ўтган ойларда 2 миллион 671 минг сўм солиқ ундирилди. Ер майдонига тўланадиган солиқлар билан қўшиб ҳисоблаганда 3,5 миллион сўм тушумнинг тўлиқ ундирилишини таъминлади.

- Участка инспекторлари маҳаллалардаги таянчимиз ҳисобланади, - дейди Муборак туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Файзулла Кўчимов. - Уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун алоҳида хоналар ва транспорт ажратилган. Нозирларимиз аҳоли орасида бўлиб, солиқ қонунчилигидаги янгиликлар ва ўзгаришларни кенг тарғиб этмоқдалар. Фуқароларда солиқ ва мажбурий тўловларга онгли муносабатни шакллантирмоқдалар.

Олиб борилаётган тушунтиришлар ўз натижасини бермоқда. Туман бўйича йил давомида давлат бюджетига 39 миллиард 133 миллион сўм тўловлар тушиши таъминланяпти. Ҳаммаси бўлиб 1500 дан ортиқ тўловчилар билан доимий иш олиб бориляпти.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, амалдаги қонун-қоидаларга зид ҳаракат қилувчилар ҳам учраб турибди. Ана шундай юридик субъектлардан 287 миллион 218,2 минг сўм солиқ ва тўловлар қўшимча ҳисобланди. Қонунбузарларга нисбатан 208 миллион 607 минг сўм молиявий жарималар қўлланилди. Хато ва камчиликларга йўл қўйган 65 нафар мансабдор шахсдан 1 миллион 400,6 минг сўм маъмурий жарималар ундириб олинди.

59 та якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди ва уларга 923 минг сўм жарима солинди. Икки ва ўндан ортиқ даромад манбаига эга бўлган 28 нафар жисмоний шахсларга 21 миллион 129,8 минг сўм даромад солиғи қўшимча ҳисобланди. Мол-мулк солиғи тўловчилар ўтган йил шу даврга нисбатан 520 тага кўпайди.

Фуқаролар солиқлар нима учун тўланиши ва иқтисодий ҳаётимизни ривожлантиришда уларнинг аҳамиятини тўлиқ тушуниб етсаларгина, бу соҳадаги муаммолар бартараф этилади. Шунинг учун маҳалла нозирлари солиқ қонунчилигини тушунтириш ишларида фаол қатнашишмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Газетхон илтимосига кўра

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ НИМА?

Корхоналарда корпоратив бошқарув тизимининг жорий қилиниши мулкдорлар ва ҳиссадорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим механизми ҳамда хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири сифатида тан олинмоқда. Зеро, замонавий миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришда айнан шу тузилма муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йирик ташкилий-иқтисодий компаниялар ишлаб чиқаришнинг рақобатбардош маҳсулотларини жаҳон бозорида сотиб, макроиқтисодий имкониятларни кенгайтиради, иқтисодий ва халқаро ҳамкорлик барқарорлигини таъминлайди, ислоҳотлар жараёнида давлат ҳокимиятининг стратегик йўлини амалга оширишда шерик сифатида фаолият кўрсатади.

Корпоратив гуруҳларда бошқарувнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш тобора ривож топиб, саноат корхоналари, тижорат, молия, банк ва бошқа муассасалар ўзаро яқинлашади ва улар биргаликда капитал тўплаш, ташқи маблағни жалб қилиш, кенг миқёсдаги инвестицион лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда қулай имкониятларга эга бўлади.

Ривожланган мамлакатларда корпоратив гуруҳлар шаклланишининг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинган: компанияларнинг қўшилиши натижасида умумий акцияларнинг назорат пакетига эгалик қилиши; йирик саноат компанияларининг молиявий бирлашуви; шартномалар асосида бирлашуви; корхона фаолиятини назорат қилувчи банклар атрофида бирлашуви; фирманинг мустақил корхоналарга ажралиши ва молиявий бирлашуви; асосий компаниялардан алоҳида тузилмаларнинг ажралиб чиқиши ва молия капитали билан бирлашуви ва ҳоказо.

Корпоратив гуруҳларни ташкил этишда эса самарали технологик алоқаларни шакллантириш, иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялардан оқилона фойдаланиш ва янги илмий тадқиқот ишларини молиявий ресурслар билан таъминлаш - ҳал қилиниши зарур бўлган асосий вазифалар сирасидан. Шунингдек, корхона экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш, корпоратив корхоналарнинг моддий, молиявий ахборот ресурсларини бирлаштириш, сифатни ошириш ва маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам корпоратив гуруҳлар вужудга келишининг муҳим талабларидандир.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда, айниқса Японияда корпоратив бизнес тузилмалар ўз самарасини бераётганлиги исботланмоқда. Шу боисдан, иқтисодиётимиз ислоҳотлари жадал амалга ошаётган бугунги кунда, хусусийлаштирилган корхоналарнинг бозор шароитига мослашувида корпоратив бошқарув услубларини тезроқ жорий этилиши тақозо қилинаяпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонда корпоратив бизнес тизимини ривожлантиришда ўзимизга хос шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Баҳодир МЕНГЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси





Янгиқўрғон туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий шифохона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда.

Суратларда: марказий шифохона шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими фаолиятидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчилар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат ҳокимияти органлари сайловолди учрашувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов ҳуқуқига эга, бирон бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган, депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакили этиб кўрсатилмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлишлари мумкин.

Овоз бериш куни сайловчиларга бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янгиси билан алмаштириб олиш ҳуқуқи кафолатланади. Сайлов бюллетенини алмаштириб беришни тегишли участка сайлов комиссияси амалга оширади.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Тегишли участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг талабига кўра белгиланган шаклда бўлган, депутатликка номзодлар тўғрисида тегишли маълумотлар қайд этилган сайлов варақаларини беради. Сайловчилар тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзоларидан бирида қолдиришлари мумкин.

Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди ташвиқотини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 146-моддасига мувофиқ, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш жиноят ҳисобланади. Бундай жиноятни содир этганларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Даврон АҲМЕДОВ, Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ, ТДЮИ доцентлари

Қарор ва ижро

ҲАҚИНИ ТЎЛАБ ҚЎЙИНГ

ЮЗИНГИЗ ШУВИТ БЎЛИБ ЮРМАЙСИЗ

Мамлакат энергетика тизими барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг электр қувватига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

«Наманган электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти ҳам вилоятдаги барча истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашдек машаққатли, шарафли ва айни вақтда масъулиятли вазифани бажармоқда. Бугунги кунга келиб вилоятда 825 минг киловольт–ампер қувватга эга бўлган 220 киловольт кучланишли «Сардор», «Обиҳаёт», «Қизилравот» электр подстанциялари ишлаб турибди.

Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида соҳа ходимлари барча чораларни кўришмоқда. Бу, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини бераётир.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 августдаги «Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори истеъмолчилар билан ҳисоб-китобни анча осонлаштирди,-дейди корхона директори ўринбосари Акрамжон Зияев. Шу билан бирга дебиторлик қарзлари тўхтовсиз ортиб боришининг олдини оладиган бўлди. Ва биз мазкур қарор ёрдамида фаолиятимизни анча жонлантириб олдик.

Сир эмаски, республикада электр энергиясидан бўлган қарздорлик ортиб боряпти. Бундан ташқари, ундан бепарволик билан, пала–партиш, бемеъёр фойдаланилаётгани кишини ташвишга солади. Вилоят истеъмолчиларига жорий йилнинг 5 ойида 1 миллиард 115 миллион киловатт соат электр энергияси етказиб берилиб, режа 100 фоизга бажарилган.

Лекин шунга қарамай 2004 йил 1 январ ҳолатига истеъмолчиларнинг умумий дебиторлик қарзи 11 миллиард 871 миллион 452 минг сўм бўлиб, бу кўрсаткич беш ойда 4 миллиард сўмга ортган. Бунга асосан қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари сабаб бўлаётир. Уларнинг қарзи 8 ойлик якуни бўйича 2 миллиард 807 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги «Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси»нинг қарзи 7 миллиард 78 миллион 517 минг сўм. Бошқарма томонидан биргина июн ойининг ўзида 2 миллиард 272 миллион 280 минг сўмлик электр энергияси сарф этилгани ҳолда, атиги 1 миллиард 500 минг сўм тўланди, холос. Бу истеъмолчилар пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлгани учун уларни тармоқдан ўчиришда муайян қийинчиликлар пайдо бўлаяпти. Яна бир йирик қарздор «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасидир. Унинг 2004 йил 1 июл ҳолатига қарзи 1 миллиард 535 миллион 577 минг сўмни ташкил этади. Вилоят Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан 583 миллион 733 минг сўм ундириладиган бўлди. Лекин ҳали ҳануз натижа йўқ. Бошқарманинг фойдаланилган электр энергиясидан бўлган қарзларини камайтириш жадваллари тузилиб, вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан тасдиқланганлигига қарамай тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаяпти. Хусусан, бошқарма май ойида қарзини 180 миллион сўмга қисқартириши белгиланган бўлса, 35 миллион сўм, июн ойида эса 200 миллион сўм ўрнига 45 миллион 500 минг сўм тўлаган холос. Бошқарманинг бир ойлик электр энергияси истеъмоли 150-160 миллион сўмлик электр энергияси олиб корхоналарни молияласа, турли тортишувлар, кўнгилхираликларнинг олди олинган бўлар эди. Чунки, йўналтирилаётган маблағлар ҳам, электр энергияси ҳам давлат мулки. Демак, тўлов ўз вақтида бўлса бундан ҳамма фойда кўради. Шундай ҳолатлар сабаб нафақат Наманганда, балки республика бўйича электр энергиясидан қарздорлик ортиши тўхтамаяпти. Лекин изланганга толи ёр дейдилар. Улгуржи истеъмолчилардан қарзларни ундириш бўйича турли йўллар изланяпти. Тўрақўрғонда яхши бир тажрибага гувоҳ бўлдик. Турли корхона ва ташкилотларнинг электр энергиясидан қарзи бор идораларга тўлаши керак бўлган сумма тўғридан тўғри туман электр тармоқлари корхонаси ҳисоб рақамига йўналтирилаяпти.

– Улгуржи истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлигини камайтириш бўйича ҳукумат қарорлари белгилаб берадиган вазифаларни изчиллик билан бажаришга интилаяпмиз, – дейди Тўрақўрғон туман электр тармоқлари бошлиғи Носиржон Раҳимов. – Қарзларни кескин камайтириш, олдиндан тўлов он сўмлик эканини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар ойда 100 миллион сўмдан кўпроқ қарз ортиб бораётганини кўрамиз.

Яна бир гап. Маълумки, электр энергияси нархи йилига бир неча марта кўтарилади. Бюджет ташкилотлари эса эски йил охирида молияланади. Масаланинг чигал жойи шундаки, молиялаш жараёнида электр энергияси нархи кўтарилиб бориши ҳисобга олинмайди. Натижада корхоналарнинг дебиторлик қарзлари сезиларли даражада ортади. Шунинг учун алоқадор идоралар нарх ошишини инобатга тизимини йўлга қўйиш бўйича қатор ишларни амалга ошираяпмиз. Йирик қарздорларга нисбатан қаттиқ курашилаяпти. Ҳаракатларимиз яхши натижа бериб, қарздорлик кўтарилиб кетмаслигига эришаяпмиз.

Учқўрғонда эса 1 июл ҳолатига 66 та қарздор ташкилот мавжуд бўлиб, уларнинг 32 таси тармоқдан узилган. Тумандаги «Ниҳол» санаторийси 4 миллион 550 минг сўм, «Сувоқава» корхонаси эса 5 миллион 47 минг сўм қарздор. Бундан ташқари, барча ширкат хўжаликлари, суғориш насослари, ичимлик суви билан таъминловчи иншоотлар ва бошқа қатор идораларнинг каттагина қарзлари мавжуд. Лекин кўпчилигини ўчиришнинг иложи йўқ. Таъкидлаш жоизки, ширкат хўжаликлари қарзининг муддати ўтган. Айни пайтда уларнинг 8 таси хўжалик судига юборилган.

Энди аҳоли қарздорлиги масаласига эътибор қаратайлик. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фойдаланилган электр энергияси ҳақини энг аввало, катта ёшли кишилар, нафақахўрлар тўлар экан. Ўзига тўқ ва ўрта ҳол оилаларнинг қарзи ҳам айтарли даражада кўп эмас. Кам таъминланган оилаларнинг қарзи эса 20-30 минг сўмгача бўлган суммани ташкил этади. Лекин раҳбар лавозимидаги кишилар, катта тадбиркорлар, шу билан бирга юқори ваколатли идораларда ишлайдиган одамларнинг қарзи жуда юқори. Мисолларга эътибор беринг. Халқ демократик партияси Учқўрғон туман кенгаши раиси Дилшод Зайниев электр ҳисоблагич шурупини бўшатиб, тўхтатиб қўйган. Туман ҳокимлиги ходими Шавкат Норматов эса 43 минг 280 сўм қарзи бўла туриб, Д.Зайниев «тажрибаси» ни қўллаган. «Норинқурилиш» МЧЖ бошлиғи Абдулҳай Шеранов эса 51 минг сўм қарзини тўлашга пул топа олмаётган кўринади. Шунингдек, Чуст ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Нўъмонжон Зокиров ҳам 27 минг сўм қарзини тўламаган. Косонсойдаги «Навоий» ширкат хўжалиги ҳисобчиси Зокиржон Абдуҳамидов фойдаланилган электр энергияси учун 35 минг 440 сўм қарз.

Инсон қайси касб эгаси бўлса, қайси соҳада ишласа, қобилияти шу томонга кўпроқ шакланар экан. Буни Уйчи туман Ғайрат қишлоғидаги ижтимоий - иқтисод коллежи директори Абдумажид Отабоев мисолида ҳам кўриш мумкин. Домла нима бўлганда ҳам иқтисодчи-да. Тадбиркорлиги тутиб, электрни иқтисод қиламан деб, ҳисоблагичнинг давлат мулкини бузишни маъқул кўрибдилар. Ана холос!

Учқўрғон «Сувоқава» бошқармаси бошлиғи Равшан Жалиловга корхонанинг миллионлаб қарзини тўламаяпсан, ҳеч бўлмаса уйингда фойдаланилган электр учун 78 минг 110 сўмни тўлаб қўй, деб айтгинг келади.

Иқтисодий имконияти етмаса, кам таъминланган оила бўлса тушуниш мумкиндир. Лекин биз санаганлар ва бошқаларга нима етишмайди, ҳайронсан киши.

Қисқаси, вилоятда энергетика тизимида ислоҳотлар тўхтаб қолгани йўқ. У тараққиётда, ривожланишда. Тўлов интизомига риоя этилса, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланилса, нурчилар меҳнатининг нақадар мураккаблигини ҳис этиб, уларни ҳурмат қилсак, соҳадаги ислоҳотлар янада жадаллашади. Бошқача қилиб айтганда, тўловларни вақтида амалга оширсак, мамлакатимиз иқтисодиётининг қудратли қон томири бўлган энергетика ривожига, бу орқали юрт равнақига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Нодиржон ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири

Истеъмолчи манфаати муқаддас

ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ

таъминлансагина пештахталарда сифатсиз моллар бўлмаслигига эришиш мумкин

Бугунги қуннинг долзарб вазифаларидан бири мамлакатимизда рақобатбардош, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришдир. Бунинг учун барча имконият мавжуд. Навоий вилоятида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун «Қизилқумцемент» очиқ турдаги акциядорлик жамиятини олайлик. Корхонада ишлаб чиқарилаётган юқори хароратга чидамли ғиштлар, барчага манзур бўлаётган цемент маҳсулотлари ҳаётимизда муҳим ўрин эгалламоқда. Навбаҳор туманидаги «Бентонит», Конимехдаги «Конимехобод» қўшма корхоналари энг зарур, кўпчилик кутган маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Вилоятимизда корхоналар, тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ишбилармонлар ўртасида ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан ўтказилаётган мониторинглар орқали кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, керакли амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Айниқса, маҳсулотларга меъёрий ҳужжатлар тайёрлашда ва уларни рўйхатдан ўтказишдаги методик мадад ғоятда асқотмоқда. Бироқ кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи жойларда тегишли қонунларни бажаришда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Режали текширишлар, таҳлиллар шуни ойдинлаштирдики, баъзи корхоналарнинг маҳсулотлари сифати, ўлчаш бирликларининг стандарт талабларига жавоб бермаслиги кузатилмоқда.

Зарафшон шаҳридаги «Алиқ-Том» хусусий фирмасида текширув ўтказилганида унинг дўконида мавжуд бўлган «Навоий» масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқарилган спиртли ичимлик ва бошқа хил неъматлар мавжуд эди. Лекин мувофиқлик сертификати йўқлиги аниқланди. Тегишли равишда фирма раҳбарига маъмурий чора кўрилди, жарималар солинди. Шу шаҳарда жойлашган «Ал-Тоир» хусусий фирмасининг савдо дўконида сотилаётган алкогол маҳсулотлари назардан ўтказилганида уларнинг таркиби стандарт талабларига мос эмаслиги маълум бўлди. Баъзида шундай ҳам бўладики, камчиликлар аниқлангач мутасадди раҳбарлар ўзларини айбсиз қилиб кўрсатишга уринишади. Ёки «билмабмиз», «тушунмабмиз» дея сувдан қуруқ чиқишга уринишади. Ахир қонун барчага баробар. Уларнинг бурч ва масъулияти тегишли меъёрий ҳужжатларда аниқ-равшан кўрсатилган-ку! «Ал-соҳиб» хусусий фирмасида мувофиқлик сертификати мавжуд бўлмаса-да, қўй гўштини иккиланмай савдо қилиб келишган. Текширишдан сўнг ушбу маҳсулотни муомалага чиқариш тақиқланди...

Истеъмолга яроқсиз ёки муддати ўтган моллар билан савдо қилиш кони зарар эканлиги сир эмас. Буни билта туриб, ўз ҳамёнини ўйлаган ҳолда иш юритаётганлар одамлар саломатлигига катта зиён етказаётганликлари бор гап. Қизилтепа туманидаги «Қизилтепатаъминот» жамиятида стандарт талабларига мутлақо тўғри келмайдиган, сотилиши тақиқланган макарон ва биринчи навли йодланган туз маҳсулоти тегишли рухсатномасиз сотиб келинганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Боз устига жамиятда қўлланилаётган 66 та ўлчов воситасидан 16 таси ўз вақтида қиёсланмасдан қўлланилиб келинганлигига нима дейсиз? Албатта, бундай қонун бузилишларига йўл қўйганлар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Лекин, мулкдор, сотувчининг ўзига инсоф берсин. У масалага виждонан ёндошмас экан жарима билан иш битмайди. Вазирлар Маҳкамасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори беқиёс аҳамият касб этмоқда. Мақсадга эришишда жамоатчилик иштирокини таъминлаш ғоятда муҳим. Истеъмолчилар «Ишонч» телефонлари орқали корхона, ташкилот, хўжалик субъектларининг хизматлари, маҳсулотларнинг сифати ҳақида ахборотлар бериб борсалар, юқоридаги каби камчиликларни бартараф этиш осон кечади.

А.ЖЎРАЕВ, Навоий вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи

КОРХОНАНИНГ ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАРИ

Қўқон шаҳридаги «Парнас» масъулияти чекланган жамиятда бугунги кунда 48 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг 90 фоизини ёшлар ташкил этади.

– Корхонамиз яқинда ишга туширилган бўлиб, шаҳарнинг 27-сонли «Ғозиёғлик» маҳалласида истиқомат қилаётган ишсиз ёшларни ўз бағрига олди, – дейди, жамият раҳбари Маъмур Қобилов. – Иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, бу ерда полипропилен қоплар ишлаб чиқарилмоқда. Истеъмолчиларнинг кўпчилиги Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги ун, цемент ва бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган корхоналар ҳисобланади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 309 минг доллар кредит олиб, иш бошлаган корхонада яқин кунларда яна бир янги линия фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. У ишга тушгач, яна 80 нафар киши иш билан таъминланади. Жамиятда ишчилар учун икки маҳал иссиқ овқат ва қўшимча имтиёзлар яратилган. Махсус кийим-кечак ҳамда зарарли меҳнат шароитида ишловчиларга сут-қатиқ бериб борилмоқда. Ўратача ойлик 35-40 минг сўмни ташкил этади. Корхона ишчилари Аброр Мамадалиев, Умидахон Деҳқонова, Вохид Акромовларга сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди.

«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан юқоридаги маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилди.

Ҳ.ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбири

МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ

Устоз. Бу биргина сўз замирида олам-олам маъно бор. Жамиятимизда ўз ўрнини топган ҳар бир касб эгаси илк сабоқни ана шу мўътабар зотдан олган.

...Зулхумор Умарова ёшлигидан ўқитувчиликка хавас қўйди. 1971 йилда Иштихон туманидаги 8-ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат педагогика институтига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугаллади. Тумандаги 8-, 35-, 41-мактабларда ёшларга математика фанидан сабоқ берди. У ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик билан келар, ўқувчиларга фан сирларини чуқурроқ ўргатишга ҳаракат қиларди. Самарали меҳнатлари эвазига 1995 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлди. Айни пайтда тумандаги 33-мактабда меҳнат қилаётган Зулхумор Умарова касб байрамини хурсандчилик билан кутиб олди.

- Зулхумор Умаровани барчамиз бирдек ҳурмат қиламиз, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Юсуф Муҳаммадиев. - У ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топишни билади.

Туманда 92 та мактаб бўлиб, уларда 50 мингга яқин ўқувчи таълим олади. Ёшларга 4 мингдан ортиқ ўқитувчилар фан сирларини мукаммал ўргатишяпти. Ўқитувчиларнинг 157 нафари олий, 1325 нафари I тоифали мураббийдир.

Маълумки, кичкинтой дастлабки билимни боғчадан олади. Тумандаги 25 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Болалар боғчаларидаги шарт-шароитлар шу кун талаблари даражасида ташкил этилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, келажагимиз эгаларини ҳар томонлама камол топтиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўрни бор. Тумандаги 5 та ана шундай муассасаларда 4 мингга яқин ўқувчи ўз билимларини оширмоқдалар. Тил ва экология марказлари, спорт ва футбол мактабларида болалар турдош касбларни ўрганишмоқда. Ўтган 2003 йилда туман халқ таълими бўлими барча соҳалар бўйича саккизинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2004 йилга келиб рейтинг кўрсатгичи бешинчи ўринни кўрсатди.

Ўқувчилар вилоят ва республика олимпиадаларда фаол иштирок этиб келишяпти. Жаҳонгир Бахриддинов аъло ўқигани учун Ўзбекистон Миллий университети талабаси бўлди. 20-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Асқар Саъдуллаев география фани йўналиши бўйича, 1-лицей ўқувчиси Олим Валиев кимё фани бўйича олимпиаданинг республика босқичида иштирок этдилар. 35-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Зулхумор Ашурова Зулфия номидаги мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, «Истиқлол фарзандлари», «География ва адабиёт» «Ўлкашунослик», «Сайёҳлик» йўналишлари бўйича вилоятда фахрли ўринни қўлга киритишди.

Ёшларнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ. 45-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Сардор Назаров Чикаго шаҳрида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, каратэ бўйича олтин медал соҳиби бўлди. 33-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Азим Худойқулов бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлиб, айни пайтда Англия ва Таиландда ўтказиладиган мусобақаларга йўлланма олди. Ўқувчиларнинг бундай ютуқларида албатта қалби қайноқ, меҳри дарё устозларнинг хизматлари беқиёс.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири

Суратда: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Зулхумор Умарова.

Эҳтиром

Келажагимиз ёшлар қўлида

«Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти бойликлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир». Миллатпарвар ҳар бир инсоннинг дил тўридаги сўз бу. Зеро, таълим-тарбиянинг жамиятимиздаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бугун ҳаёт остонасида турган фарзандларимиз бир кун келиб шу муборак юрт бешигини тебратадиган кадрлар бўлиб етишадилар. Давлатимизнинг келажаги бугунги ёшларнинг қандай таълим-тарбия олишларига боғлиқ.

ТЕРМИЗ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

Бу борада Термиз шаҳридаги академик лицейда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар, шунингдек, хориж филологияси йўналиши бўйича ихтисослашган ушбу илм даргоҳида 920 нафар талаба-ёшлар таълим олмоқда. Уларга 87 нафар тажрибали ва малакали педагоглар сабоқ беришади. Изланувчан, моҳир педагогларнинг саъй-ҳаракатлари билан турли хил давра суҳбатлари ва фан кечалари ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида талабалар билимларини бойитишга хизмат қилмоқда.

Лицей ўқитувчилари танлов асосида танлаб олинган бўлиб, улар умр мазмунини ёш авлоднинг мукаммал тарбияси деб билишади. Турли танлов ва мусобақаларда фаол қатнашиб, вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллаб келишётгани талабаларнинг билимга нақадар чанқоқлигини тасдиқлайди.

2002-2003 ўқув йилида 3-курс талабаси Азиза Шойимардонова адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси бўлди. Лицейда ўқувчиларнинг нафақат билим олишлари, балки маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Билимгоҳ ҳовлисига киришингиз билан баҳридилингиз очилади. Дид билан экилган минглаб туб мевали ва манзарали дарахтлар, турфа хил гуллар кишига ўзгача кайфият бағишлайди. Бу эса лицейда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолатдир.

525 ўринга мўлжалланган ошхона ва дам олиш хоналарининг шинамлигини кўриб кўз қувнайди. 14 минг 749 та дарслик ва бадиий адабиётларга эга бўлган кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Ҳар бир синфхона замонавий ўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган. «Маънавият ва маърифат» хонасида Миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилувчи адабиётлар, Президент асарлари ҳамда маънавиятимиз юлдузлари сиймоларининг илмий ва ижодий мероси акс эттирилган кўргазмалар киши диққатини ўзига тортади.

Лицейда спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берилади. Замонавий соғломлаштириш масканлари талабалар ихтиёрида. Спортнинг футбол, волейбол, миллий кураш, баскетбол, теннис, шоҳмот-шашка турлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ташаббуси билан тез-тез қизиқарли мусобақалар ўтказиш ўз самарасини бермоқда. Ёш спортчилар турли йўналишлар бўйича вилоят ва республика мусобақаларида пешқадамлик қилмоқдалар. 2-курс талабаси Н. Нодиров бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Тажрибали спорт мураббийлари Шуҳрат Раҳмонов, Зиёдулло Ибрагимов талаба-ёшларнинг етук спортчи бўлишлари учун астойдил интилмоқда.

Лицейда касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан доимо ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, саломатлиги, оиласи, фарзандларига ғамхўрлик қилиш касабақўм фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Тажрибали ўқитувчилар ишини оммалаштириш ва уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш касаба уюшма қўмитаси раиси Мавлуда Воҳидованинг асосий иш мезонига айланган.

Алишер РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири

ГОЛЛАНДИЯГА БОРМАЙДИГАН БЎЛДИК

Ҳа, умидлар ушалмади. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Жанубий кореялик тенгқурлари билан кечган муросасиз баҳсда мағлубиятга учраб, Осиё чемпионатининг ярим финалига чиқиш, шу билан бир каторда Голландияда бўладиган Жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмани қўлга киритиш имконидан маҳрум бўлди. Ҳисоб - 1:2.

Албатта, футболимиз мутасаддилари ва мураббийлар ҳайъати Рауф Инилеевдан нега бундай ҳол юз берганлиги хусусидаги ҳисоботни тинглаб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтадилар, муайян хулоса чиқарадилар. Лекин бизнинг назаримизда, асосий масала, бу руҳий тайёргарликка бориб тақалса керак. Ўша, ўзбекистонлик футбол мухлисларини қувонч ила осмонга олиб чиққан 1994 йил Осиё ўйинларидан сўнг на миллий, на олимпия, мана на ёшлар терма жамоамиз кореяликларни мағлуб эта олаяптилар. Тўғри, Узоқ Шарқда кейинги йилларда футбол жадал суръатларда ривожланмоқда. Аммо биз ҳам жойимизда тўхтаб қолганимиз йўқ-ку! Ҳали яқинда тугаган Осиё чемпионати натижалари, мамлакат чемпиони «Пахтакор»нинг ғолибана одимлари фикримизни тасдиқлаши мумкин. Лекин Жанубий Кореяга келганда...

Нима бўлганда ҳам биз бу тўсиқдан тезроқ ўтиб олишимиз лозим. Ёдингизда бўлса, 1994 йилда Жанубий Корея терма жамоаси Осиё ўйинлари ярим финалида футболчиларимизга ўйинни бой бериб, финалга чиқолмаганидан сўнг Ўзбекистон футбол федерацияси билан боғланиб, исталган пайтда ва исталган майдонда яна бир бор куч синашиш ниятлари мавжудлигини билдирганлари бежиз эмас эди, албатта. Улар руҳий изтиробдан қутулиш, кучларига бўлган ишончни яна тиклаб олиш учун шундай қилгандилар. Чамаси энди навбат бизга келганга ўхшайди...

Малайзияда ёшлар ўртасида қитъа биринчилиги давом этаётган кунларда Ўзбекистон кубоги ўз эгасини топди. Тўғрироғи, яна бир йилга ўз эгаси - «Пахтакор»да қолди. Т.Ағамуротов шогирдлари «Трактор» билан ўтказилган ўйинни 3:2 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилиб, олтинчи марта кубок соҳибига айландилар. Бу - ҳозирча рекорд натижа.

6- ва 7-октябрда эса миллий чемпионатимизнинг 20- тури бўлиб ўтади. Айниқса, «Машъал» - «Нефтчи», «Пахтакор» - «Насаф» ва «Трактор» - «Навбаҳор» жамоалари ўртасидаги учрашувлар муросасиз кечиши кутилмоқда. Ҳар ҳолда турнир карвонбошиларига бу гал осон бўлмаслиги аниқ.

ХИВА ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ

Ўзбекистон амалий санъат музейида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Хива қўғирчоқлари» кўргазмаси очилди.

Хива қадимдан ўзининг «Чодир хаёл» қўғирчоқлар миллий театри ва унинг ажойиб қўғирчоқлари билан танилиб келган. Бу галги кўргазмада хоразмлик режиссёр, актёр ва қўғирчоқбоз Мансурбек Курязовнинг уч юздан ортиқ ана шундай қўғирчоқлари намойиш этилди.

Мансурбек Курязов Хитойда бўлиб ўтган халқаро фестивалда ҳам муваффақиятли иштирок этди. Унинг қўғирчоқлари Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция ва бошқа мамлакатлардаги шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Қоғоз, ёғоч, мато, лой ва бошқа материалларидан тайёрланган қўғирчоқлар кўҳна воҳанинг ўзига хос маданияти, миллий анъаналари, турмуш тарзи, ҳаётий фалсафаси ва ҳазил-мутойибасини акс эттиради.

КУТУБХОНАЧИЛАР ЙИҒИНИ

Самарканд вилоят марказий кутубхонасида ўтган семинар-тренингда электрон кутубхоналар барпо этиш оркали сохани халкаро талаблар даражасига кўтариш хусусида сўз юритилди.

- Ўзбеклар китобсевар халқ, - деди йиғилишда сўзга чиққан АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси фан ва маданият ишлари мувофиқлаштирувчиси Майкл Ньюберт. - Аммо баъзан узоқ масофа, вақтнинг тиғизлиги уларнинг китобга эҳтиёжини қондиришга халақит беради. Кутубхоналарни электронлаштириш ўз-ўзидан ана шундай муаммони енгиллаштиради. Бунда китобхон уйида ёки ишхонасида ўтирган ҳолда исталган кутубхонадаги китобни ўқиши учун имконият яратилади.

Тадбирда электрон кутубхоналар яратиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

(ЎзА)

БИАТЛОНЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан ёзги биатлон бўйича Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган мамлакат чемпионати якунига етди.

Ўндан ортиқ жамоа вакиллари куч синашган беллашувларда Самарқанд вилояти вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Наманган вилояти жамоасига, учинчи ўрин эса фарғоналик спортчиларга насиб этди.

Турфа олам

Олимлар Европадаги Юра деган қишлоқнинг бир қатламидан тошга айланган қуш скелетини топган эдилар. Ўшандан бери еримизнинг ана шу даврга мансуб қатлами юра даври қатлами деб аталиб келинади.

ЮРА ДАВРИ ҚАТЛАМЛАРИ

Ҳисор тоғ тизмасини жанубий қисмидаги тоғ жинсларининг ҳосил бўлиши бунга яққол мисол бўла олади. Шу айтиш керакки, бу жинслар бундан 150 миллион йил аввал, яъни фанда юра даври деб аталадиган даврда вужудга келган.

Юра даври бошқа жойларда бўлгани каби, мамлакатимиз ва қўшни республикалар ҳудуди ҳам ўрмонлар, бутазорлар, ўтлоқлар ва ботқоқликлар билан қопланган эди. Замонлар ўтиши билан улар емирилган тоғ жинсларининг тушиши натижасида кўмилиб, ер бағридаги юқори босим ва ҳарорат таъсирида кўмирга айланган. Бундан ташқари, денгизлар ва уларнинг қирғоқларида турли ҳайвонларнинг ҳамда дарё оқизиб келган ўсимликларнинг сув ва гил ётқизиқлари остида қолиши туфайли шундай бир шароит вужудга келганки, натижада бу моддалар чириган. Бу моддалардан эса нефт ва газ ҳосил бўлган. Масалан, Ғарбий Ўзбекистон ва Фарғонадаги нефт ва газ конлари шундай юзага келган.

Мерос

Жаҳон ҳикмат обидалари тарихи ҳақида сўз борганда, энг аввало қадимги Миср, Хитой ва Ҳинд заминларининг маданий мероси эсга олинади. Жумладан, Ҳинд маданий обидалари мелоднинг биринчи асрларидаёқ ўсиб ривожланган эди. У ерда тиббиёт, риёзиёт, илми нужум, ҳандаса, кимё, ҳикмат илми, фалсафа, адабиёт ва санъат кучли ривож топган.

МАНГУ ҲИКМАТ ОБИДАСИ

VIII-X асрлардаёқ ўз қомусий билимлари билан бутун Машриқ заминга танилган Мусо Хоразмий ва Беруниллар бекорга ҳинд диёрига ташриф буюриб, у ердаги фан ва маданиятни ўрганмаган. Ҳиндлар бадиий ижод соҳасида ҳам қадимдан юксак асарлар, осори-атиқалар қолдириб, жаҳонни ҳайратда қолдирган. Уларнинг «Рамаяна», «Маҳабҳарата», «Курал», «Мегҳадута», «Рагҳуванта», «Кумарасамбҳава», «Дашахумачарита», «Панчатантра», «Ҳитопадеша», «Шакунтала», «Малявика», «Агнимитра», «Мудраракшаса», «Пурани», «Патанжали» ва «Веда» каби машҳур асарлари мавжуд. Булар орасида «Панчатантра» («Беш китоб») номи билан аталган «Калила ва Димна» асари бенихоя катта қимматга эга.

Мелоднинг III-IV асарларига мансуб бу ноёб обида ўз даврининг ижтимоий масалаларини ҳал этиш истагида яратилган. Ундаги илғор фикрлар ҳайвонлар, паррандалар тилидан аллигорик тарзда олиб борилса-да, ижтимоий ҳаёт, одамлар орасидаги муносабат чуқур таҳлил қилинади. Бу асардан кузатиладиган мақсад одамзотнинг хато-камчиликларини кўрсатиб, уларга инсон деган номга сазовор иш қилиш кераклигини уқтиришдан иборат.

Мана шу ғоя асарнинг ўзагини ташкил қилганлиги туфайли, у асрлар оша бутун дунё тилига таржима қилиниб келинди. Тарихий афсоналарнинг маълумот беришича, Эрон шоҳи Нўширавони Одил (531-579) Ҳинд тоғларида ўсадиган ҳаётбахш гиёҳ мавжудлигини эшитади. Унга кўра бу гиёҳни истеъмол қилган киши агар ўлаётган бўлса ҳам тирилиб кетар экан. Ҳукмдор қандай қилиб бўлса ҳам бу ноёб доривор ўсимликни қўлга киритиш истагида табиб Барзуяни Ҳинд музофотига йўллаган. Табиб узоқ йиллар тоғ кезиб, қидираётган гиёҳини тополмайди. Кунларнинг бирида шу ҳаётбахш гиёҳ тафсили ҳақида бир донишманд билан суҳбатлашиб қолади. Унинг айтишича, дунёда бундай гиёҳ йўқ ва бўлмаган, фақат ўрнини босадиган «Панчатантра» номли ҳикмат обидаси мавжудлигини, бироқ уни кўриш, ўқиш ва қўлга киритишнинг сира имкони йўқлиги ҳақида маълумот беради.

Барзуя бу сирли китобни қўлга киритиш учун саройга ишга киради. Узоқ йиллар шоҳ ҳузурида ишлаб, китоб сақланадиган хазинабон билан танишиб олгач, катта пул ва олтин эвазига уни кўчириб олиш учун махфий келишиб олади. Шундай қилиб Ҳаким Барзуя қадимги санскрит тилида яратилган китобни паҳлавий тилига таржима қилиб, шоҳ Анушервонга тақдим қилади. VII-VIII асрларда Ажамистонга қилинган сурункали юришлари давомида Эронда махфий сақланадиган мазкур китоб ҳам Арабистонга олиб кетилади. Кейинчалик бу китобни VIII аср бошларида маздак ғояларига пинҳон хайрихоҳ бўлган ибн ал-Муқаффа араб тилига таржима қилади.

«Калила ва Димна»нинг дунёга ёйилган кўпгина таржима нусхалари ана шу арабча таржимасидан олиниб китобат қилинган. Жумладан, юнонистонлик Симон Сифа ўғли 1081 йиллардаёқ Ибн Муқаффа таржимасини олиб, уни «Стефанит ва Ихнилат» деган ном билан таржима қилган. Юнонлар қилган ўша таржима асосида эса 1253-1278 йиллар орасида Ионн Капуанский бу асарни лотин ва ибрий тилига ўгирган. Шундан кейин «Калила ва Димна» Оврўпо бўйлаб тез тарқала бошлади. Шундай қилиб ҳозиргача бу асарнинг 100 дан ортиқ мамлакатда таржима этилганлиги ҳақида илмий маълумотлар бор.

Айниқса, бу асар мусулмон шарқида кўп таржима этилди. X асрлардаёқ Сомонийлар вазири лавозимида ишлаган Абулфазл Балъамий «Калила ва Димна»ни дарий тилига таржима этди. Унинг замондоши машҳур форс-тожик шоири Абу Абдулло Рудакий худди шу таржима асосида бир достон ёзгани маълум. Бироқ шоирнинг бу асари тўлиқ етиб келмаган. Ундан айрим парчаларгина баъзи тазкиранавислар орқали бизга маълум. XII асрга келиб, ғазнавийлар саройида муншийлик ва шоирлик мақомини эгаллаган Абулмаоли Насрулло илк арабча таржимани чуқур таҳлил қилиб, уни форсчага ва араб тилига таржима қилиб берди. Бу таржимада Балъамий Ибн Муқаффа тилидаги тушунилиши қийин бўлган архаик истелоҳ ва сўз-ибораларни замонавийлаштириб, асарнинг ижтимоий-фалсафий мазмунини очиб беришга эришган. Шундан тахминан юз йиллар ўтгач, «Салжуҳнома» номи билан машҳур бўлган Рум Аҳмад ибн Маҳмуди Туси «Калила ва Димна»ни шеърий тил билан таржима қилган. Абулмаолининг таржимашунослик шуҳрати Навоий яшаган XV асрда ҳам ўз мавқеига эга бўлган.

Аммо бу даврга келиб, Абулмаоли тилидаги луғавий ўзгаришлар «Калила ва Димна»нинг қайта таржима қилинишини тақозо этди. Темурийлар саройида хизмат қилган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Анвари Суҳайлий» деб номланган таржимаси адабиёт оламида катта воқеа бўлди. «Калила ва Димна»нинг бу таржимаси Султон Ҳусайн Бойқаронинг вазирларидан бири бўлган амир Шайхим Суҳайлийга бағишлаб ёзилган эди. XVI асрларга келиб эса бу асарнинг форсча таржимаси яна қайтиб Ҳинд заминига юз тутди. Замонасининг кўп ўқимишли маданий арбобларидан саналган Бобурийзода Акбаршоҳ 1591 йилда асли бухоролик бўлган вазири Абулфазл ибн Муборакка буйруқ бериб, уни форс тилига таржима қилдирди. «Айёри дониш» деб аталган бу китоб кейинчалик «Ҳумоюннома» номи билан усмонли туркча таржимага ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

(Давоми бор)

Болалар спорти

«ИХТИЁРЖОНДАН УМИДИМИЗ КАТТА»

Ихтиёржон Наврўзов Бухоро шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчиларидан бири. У болалигидаёқ курашга қизикди. Орзу-умидлар ёш, мурғак қалб соҳибини курашга етаклади. Маҳалла марказида жойлашган ажойиб спорт залида ўнлаб ёш-яланглар, тенгқурлари мураббий Латиф Ҳалимов қўл остида эркин кураш сирларини ўрганаётган экан. Ихтиёржон ёш полвонларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, бир зум маҳлиё бўлиб қолди.

- Қани, йигитча, сен ҳам кураш сирларини ўрганганги келдингми. Унда, омадингни бир синаб кўрчи?

Латиф аканинг жарангдор овози йигитга куч-қувват бағишлагандек бўлди.

Шу-шу И. Наврўзов кураш майдонига боғланиб қолди. 3-4 йил орасида машҳур спортчилар қаторидан ўрин олди. 42 килограммли вазн тоифасида дастлаб вилоят, кейинчалик республика чемпионлигини қўлга киритди. 2003 йилда Анқара шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида совринли ўринни ишғол этиб, спорт устаси нормативини бажарди.

Тенгқурлари ўртасида мамлакат чемпиони бўлиш осон дейсизми? Бундан ташқари, Бишкекда, Алматида ўтказилган Халқаро турнирларда зафар қўлди.

Куни кеча 15 ёшли умидли спортчи яна довруғ қўлди. У ўсмирлар ўртасида Бишкек шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида 50 килограмм вазнда гиламга тушиб, фахрли III ўринни эгаллади.

И.Наврўзов Хитой, Ҳиндистон, Қирғизистон, Эрондан ташриф буюрган полвонларни доғда қолдириб, ярим финал баҳсида қозоғистонлик тенгдошига имкониятни бой берди, холос. Ихтиёржоннинг ҳамюрти Дилшод Шукуров ҳам бу мусобақада фаол иштирок этди. У 42 килограмм вазн тоифасида Тожикистон, Мўғулистон, Япония ҳамда Жанубий кореялик полвонлар устидан ғалаба қозонди. Финалга бир баҳя қолганда бухоролик спортчидан омад юз ўгирди.

Осиё чемпионатида республикамиз вакиллари умумкоманда ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди.

Усмон НАВРЎЗ

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Хоразм вилояти бўйича МҚ вакиллигининг бош ҳисобчиси Муяссар Ҳасановага укаси **Анварбек ҲАСАНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мусаффо бўлмаса ҳаво, сув агар
Билиб кўй, энг аввал соғлиққа зарар.



А. ҲАКИМОВ
чизган расмлар

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 23456